



СССР ЎЗБЕКИСТОН

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 224 (20. 791)

1990 йил 30 сентябрь, якшанба

Баҳоси 3 тийин.

БУГУН
ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Янгиликлар,

воқеалар,

шарҳлар

Президент Фармони
қандай адо этиляпти?

Яна қўшимча ўн беш тийин

Халқ депутатлари Нишон

район кенгаши президиуми

1-5-синф ўқувчиларини яна

қўшимча 15 тийинлик бепул

овқат билан таъминлаш ҳа-

қида қарор қабул қилди.

Шу мақсадда маҳаллий маб-

лаг ва ҳўжаликлар ҳисоби-

дан 385 минг 485 сўм пул

акратилди.

Жумҳуриятимиз Прези-

дентининг 1-5-синф ўқув-

чиларини бепул нонушта би-

лан таъминлаш тўғрисидаги

Фармони ноҳиядаги мавжуд

29 та ўрта мактабда ҳам

муваффақиятли амалга оши-

рилмоқда. Илгари мактаблар-

да ошхона ва буфетлар етар-

ли эмасди. Мактаблардаги

ошхоналар фақат кунги узай-

тирилган группаларга етар-

ди, холос.

Президент Фармонидан

кейин оталиқ ташкилотла-

ри томонидан ошхона ва

буфетлар иши қайта кўри-

чиқилди. Ўринлар сони кў-

пайтирилди. 9 минг 150

нафар бошланғич синф ўқу-

чиларини бепул нонушта

қилиши учун зарур шарт-

шароитлар яратилди. Бу

гамхўрликдан кичиктойлар-

гина эмас, чўлқувар ота-

оналар ҳам гоит ҳурсанд

бўлмоқдалар.

Кўпгина оталиқ ташкилот-

лари, ҳусусан, кўриқ ҳўжа-

ликлар ҳўдудларидаги мак-

табларнинг бошланғич синф

ўқувчиларига қўшимча 15

тийинлик бепул овқат бе-

риш ташаббуси билан чи-

қишди. Жўмладан, Нишон

давлат наслчилик заводи,

Ақмал Икромов номили, «Ни-

шон», Усмон Юсупов номи-

ли совхоз-техникум, Чўли

Бегимқулов номили, Гафур

Ғўлом номили, «Навбахор»,

У. Юсупов номили совхоз-

лар — оталиқ ташкилот-

лари мактабларининг бош-

ланғич синф ўқувчилари

учун қўшимча бепул овқат

ташкил этилди. Бу ҳайрли

иш кенг қўлоқ ёзмақда.

Бошланғич синф ўқув-

чиларини бепул нонушта

билан таъминлаш қаттиқ

назоратга олинган, — дейди

район халқ таълими бўли-

ми мудири Сафар Мама-

шов. — Бу йил ўқувчилар-

ни бепул овқатлантиришга

875 минг 82 сўм маблаг

сарфланади. Бепул нону-

шанини ташкил қилиниши

мактаб-маориф тармоқлари-

да таълим-тарбия ишлари-

ни юксак даражага кўтари-

ни таъминлашти. Бу жум-

ҳуриятимиз партия ва ҳўку-

матининг ёш авлодга кўрса-

таётган бекиёс гамхўрлиги-

дан намуна.

М. КАРОМОВ,

«Совет Ўзбекистони» мух-

бири.

ЯКШАНБА САҲИФАЛАРИДА:

● Партия XXVIII съезди ўртага қўй-
ган вазифалардан бири — партия ва со-
вет органлари иш функцияларини ажра-
тиш, ҳокимиятни тўлалигича Советларга

берилишини изчиллик билан амалга
оширайлик (1- ва 2-бет).

● Иқтисодий мустақилликнинг ойдин
йўлига ўтишда илк қадамлар. (2-бет).

● Ер қазрига нигоҳ ташлаган олим

● Саломатлик ва иш қобилиятини
сақлаш масалалари анжуманининг диқ-
қат этиборида (3-бет).

● Табаррук хонадондаги дарахт

● Инсон одоби билан. (4-бет).

• ХОСИЛ — 90 •

Навбат—мажбуриятга

Косон районидаги кўриқ
«ВЛКСМ XX съезди» совхоз
пахтакорлари вилоятда би-
ринчилардан бўлиб ғалаба ра-
портга имзо чекидилар. Дав-
лат қабул пунктларига 1100
тонна ўрнига 1200 тоннадан
кўпроқ юқори сифатли хом
ашё топширилди. Шунинг 800
тоннадан зиёди «зангори ке-
ма»лар бункеридан тўкилди.
Айниқса, Эшмирозо Курбонов,
Тошбўтир Шукуров, Тоштемир
Элмуров сингари дала гвар-
диячилари алоҳида жонбозлик
кўрсатдилар. Уларнинг ҳар
бири шу кунгача 110-120 тон-
надан пахта териб, хирмонга
баракка киритдилар.

Чўлқуварлар далаида ҳосил
мўл. Улар яна давлатга 400
тонна пахта топшириб, ялли
хирмонни 1600 тоннага етказиш
учун иккинчи-терини қучайтир-
моқдалар.

Шунингдек, райондаги Анда-
бозор иккери участкаси ва Аб-
дулла Навиев номили 38-совхоз
зеришнослари ҳам мажбурият
ҳисобига пахта топширмоқда-
лар.

Райондаги 52-«Сурхон» совхо-
зи механизаторлари машина
термини планини ошириб адо
этидилар. Пландига 1500 тонна

ўрнига 2 минг тоннадан кўп-
роқ пахта «зангори кема»лар
бункеридан тўкилди.

Шу кеча-кундузда пахта пай-
каларида 35-40 та машина юк-
сак умум билан ишлатилди.
Тўра Шомуродов, Ботиралли
Рустамов, Қасимов Файзиев,
Нормамат Мавлонов каби да-
ла гвардиячилари ҳозиргача эл
хирмонига 130-140 тоннадан
пахта қўшдилар.

— Ҳўжалигимиз заршуносл-
лари бу йил 4 минг тонна пах-
та тайёрладилар, — дейди сов-
хоз директори Эргаш Бегим-
қулов. — Шунинг асосий қис-
мини машина ёрдамида жам-
ғаряимиз. Механизаторлар ўр-
тасида социалистик мусобақа
кениг йўлга қўйилган. Мусоба-
қа шартига кўра 100 тоннадан
пахта терган механизаторнинг
ҳар тонна терган пахтасига 15
сўмдан, 150 тоннадан зиёд
пахта терган механизаторнинг
ҳар тонна пахтасига 20 сўм-
дан ҳақ тўлаялмиш. Бу эса пах-
та йиғим-теримида суръатни
янада ошириб, хирмонларни
юксалтириш имконини бер-
моқда.

«Совет Ўзбекистони» мух-
бири.



РЕЖА УДАДАЛАНДИ

Самарқанд вилояти. Пахтачи районидаги К. Маркс номили
колхоздан Ю. Тоғаев бошлик бригада жамоаси пахта тайёр-
лаш йиллик планини бажарди. Бригада аъзолари 210 тонна
пахтани кўлда териб олишди. Уларнинг нияти — яна 100
тонна пахта тайёрлаш.

кунига 10—15 тоннадан дурдона тўкишмоқда. Терим энди
бошланди. Далада пахта кўп. Теримда қатнашганини истаган-
лар ҳам серсб. Колхоз миришкорлари жами ҳосилини динска
муддатларда йиғиштириб олишга ваъда қилишган.
Суратда: Ю. Тоғаев бошлик бригада аъзолари.
Е. Ташликский олган сурат.
[ЎТАГ].

Вилоят партия комитети биринчи котибларининг йўқламаси

АМАЛИЙ ИШЛАР САРИ

С. М. МАМАРАСУЛОВ,

КПСС Марказий Комитети аъзоси,

Тошкент вилояти партия комитетининг биринчи котиби.

Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда шундай во-
қеалар бўладики, у эзоқ вақт хотирланган
чўқмайд. КПСС XXVIII съезди ҳам ана
шундай тарихий воқеалар сирасига киради.
Чўнги съезд бутун партия ва барча совет
халқи тақдирига алоқадор ниҳоятда муҳим
қарорлар қабул қилди. Партия бирлигини,
кучлар жипслигини сақлаб қолди. Кўп пар-
тиячилигини тан олиш билан бирга КПСС-
нинг сардор партия сифатидаги ролини
белгилаб берди. Партия сиёсатида умуми-
соний қадриятларни, халқларнинг ўз
ҳўқуқини ўзи белгилашини устуни қилиб
қўйди. Одамларнинг партия дастурига он-
ли равишда муносабатда бўлишини шакл-
лантиришни ўз фаолиятининг асосий йўна-
лиши деб ҳисоблайди.

Съездда Орол муаммоси ечими Черно-
бил муаммоси даражасига кўтарилмагани
афсусланарли бўлди. Зотан, Орол фожиа-
си кўламини жихатидан мамлакат минтақа-
ларида рўй берган турли офат оқибатлари-
дан кам эмас. У аслида Ўрта Осиё халқ-
лари тақдирини билан чамбарчас боғлиқ
масала сифатида муҳомада қилинишни ло-
зинг эди. Чўнги Орол фожиясини у халқ-
ларимиз бошига тушираётган мусибатсиз,
ҳадисиз моддий ва маънавий зарарсиз та-
саввур этиб бўлмайди. Ўйлаймизки, Ўрта
Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон пар-
тия, давлат раҳбарлари ўртасида бошлан-
ган мулоқотлар Орол дардида ҳам даво
топади.

Ҳозир иқтисодиётни тубдан қайта қу-
риш масалалари энг долзарб масалалардан
бири. Бу янги бозор иқтисодиётини шакл-
лантириш, бир укладли иқтисодиётдан кўп
укладли иқтисодиётга ўтиш, бошқача ай-
тганда ана шу жараёнда тубдан ўзгариш
насам қилди.

Хўш, бозор муносабатларига ўтиш жа-
раёнида партия ташкилотларининг вазифа-

лари нималардан иборат бўлади? Шўни
айтиш керакки, бу анча мураккаб иш.
Бизнингча, энг аввало маърифий вазифа-
ларни бутунлай қайта қўрган ҳолда бозор
иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини
аҳоли онига чўқур сингдириш, меҳнат
жамоаларини унга тайёрлаш лозим. Янги-
ча шароитда меҳнат жамоалари нимаки
ишлаб чиқарган ва тўғридан-тўғри ўзaro
алоқалар тўғрисида кимлар билан шарт-
номалар тузган бўлсалар, ана шу шарт-
номалардаги нарсаларга эга бўладилар.
Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ха
номли жамоа ҳўжалиги фаолияти бунга
мисол бўла олади. Ишлаб чиқариш мусо-
батларининг янги шаклига ўтиб ишлаётган

Иқтисодий мустақиллик— сиёсий мустақиллик асоси

колхоз-ушмада кейинги беш йил ичиди
бир килограмм тўшнинг таннари 6 сўм
40 тийиндан 2 сўмга тушди. Пахта ҳосил-
дорлиги 25 центнердан 35 центнерга кўта-
рилди. Бир колхозчининг ойлик маоши ўр-
тача 120 сўмдан 300 сўмгача етди. Бош-
қарув аппаратидаги ходимлар сони 80 на-
фардан беш нафарга келтирилди. Ҳадемай,
бу ерда бир гектар пахта майдони самара-
дорлиги 16 минг сўмга етди. Ҳўжаликда
уй-ҳўй муаммоси ҳал қилинган. Ғалаба
районидаги «Ўзбекистон ССР беш йилли-
ги» ва Калинин номили давлат ҳўжаликлар-
ида ҳам шу сингари натижага эришилди.
Лекан, афсуски, тўланган тажрибаларни
амалда қўлланишда ва уни оммалашти-



ришда партия комитетларининг ташкилот-
чилик роли, коммунист раҳбарларга нис-
батан талабчанлик суст борапти.

Вилоятдаги жамоа ҳўжаликлари пухта,
чўқур, аниқ ҳисоб-китоблардан кейин-
гина янгича шароитга ўтиб ишлаётирлар.
Лекан бу йўлни босиб ўтиш ниҳоятда қийин
кечмоқда. Бунинг сабаблари бор, албат-
та. Ўзингиз ўйлаб кўринг: бизнинг минта-
қада ишлаб чиқарилаётган хом ашёнинг 80
фонизгача четга ташиб кетилмоқда. Бу би-
лан бошқа жумҳуриятлар ва вилоятларга
тайёр маҳсулотни кенг миқёсда ишлаб чи-

(Давоми иккинчи бетда).

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Наманган ноҳиясидаги Тель-
ман номили жамоа ҳўжалиги
сабзавоткорлари йиллик план-
ни бажардилар. Давлатга 19
минг тонна сабзавот маҳсулот-
лари топширилди. Ҳар гектар
ердан 308 центнердан маҳсу-
лот йиғиштириб олинди. Бу ўг-
ан йилдаги нисбатан ҳар
гектар ердан 20 центнердан
кўп демакдир.

Сабзавоткорларнинг улкан
муваффақиятида Р. Абдурах-
монов, Ю. Раҳимов, Н. Охунов,
К. Азимхўжаев бошлик брига-
да аъзоларининг муносиб ҳис-
саси бор. Уларнинг ҳар бири
гектарига 320—380 центнердан
ҳосил кўтардилар.

Жами ҳосилининг 2 минг тон-
надан зиёди Умумитифок
фондига юборилди. Жамоа
коллективни сабзавотчиликдан
200 минг сўм нақд фойда ол-
дилар.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони»
мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

29 сентябрь кўни Ўзе-
бекистон ССР Олий Кенгаши
Раёсатининг мажлиси бўлиб
ўтди.

Олий Совет иккинчи сес-
сиясининг Олий Совет газе-
таси «Халқ сўзи» («Народ-
ное слово») рўномасини

ўзгариш шабадаси мам-
лакатда эса бошлагач
журналистлар бизнинг «ошқо-
ралик» ва «қайта қуриш» ту-
шунчаларимизни хориждаги-
ларга қандай қилиб тушун-
тириб берсан экан, деган та-
рафдудга тушиб қолдилар.

Сўнгра ҳаёлот оғушида
турмушимиздаги ҳолатлар-
ни, чўнчони, ҳар бир нарса-
ни олиш учун навбат кўтиб
туриш, барча магазинларнинг
пештахталарини бўшаб қолган-
лиги, қорхоналардаги иш
жойлари ҳўвилаб турган
бир пайтда ишсизлик пайдо
бўлганлиги, даладаги ҳосил
йиғиштириб олинмай, ириб
кетиётган бир пайтда озик-
овқатнинг етишмаслиги, ни-
ҳоят совет кишиларининг
ноиложликдан бошқа юр-
ларга бош олиб кетиётган-
ликлари каби ҳодисаларни
бошқа тилларда тушунтириб
беришнинг иложи йўқлигини
қайд эта бошладилар.

Аммо сиёсий аҳволини
барқарорлаштириш ўрнига
сиёсий найранглар билан шу-
ғулланиш, бозор муносабат-
ларини пухта йўлга қўйиш
ўрнига режалаштириш ша-
роитидаги «бозор» деб атал-
ган иқтисодий хом ҳаёллар-
га берилиш эса ҳамма жойда
тушунарли. Бизнинг мамла-
катимиз ва ундаги жумҳури-
ятлар билан ўзларининг

ҳамкорлик қилиш имконият-
ларини таҳлил этаётган сиё-
сатчилар ва қорхоналар
учун бу нарса беш бармоқ-
дек аниқ равшан.

Бу ҳолатни Ўзиниз ҳам
бошқалардан яхшироқ кўриб
турибсиз. Шу сабабли таби-
ий равишда ва айрим киши-
ларнинг айби билан келиб
чиққан қийинчиликлардан
кўз юмаётганимиз йўқ. Ана
шу «табиий» қийинчилик-
лар буйруқбоқлик-маъмурият-
чилик системасининг, ҳўжа-
лик воситаларига партия
ҳўкмронлигининг, одамлар
ташаббусининг бўғилиши кўп
йиллардан бери одат бўлиб
келган ташаббуссизлигининг
оқибати эди. Айрим кимса-
ларнинг айби билан келиб
чиққан қийинчиликлар эса
лоқайдлик, ўқувсизлик, сиё-
сий шахситирирастлик ва
осон йўл билан обрў ортти-
риш, жамиятдаги қинғирлик-
ларни рўқач қилиб, шундан
фойдаланиб қўлиш қабили-
дан иборат.

Мана шуларнинг оқибатида
нималар бўляпти, деми!

СССР Давлат ҳисоб комите-
тининг ахборотларида айтили-
шича, шу йилининг биринчи яр-
мида иш ташлашлар сабабли
ҳамда миллатлараро ва икти-
мой-сиёсий моомарлар ту-
файли оммавий равишда ишга

(Давоми учинчи бетда).

тадбирлар тўғрисидаги баё-
ноти маълумот учун қабул
қилиниши. Янйот содир эт-
ган бевосита айбдорларга
қарши янйот иш қўзғатила-
ди, тергов олиб боришмоқда.
Шўнга қарамай ўш вилоят-
даги вазият ҳамон мушкул,
ниҳоятда хатарли бўлиб қо-
лмоқда. Ҳозирги барқарор-
лаштириш йўзасидан қўрила-
ётган чоралар етарли эмас.

3. Қирғизистон ССР Олий
Советига ўш вилоятда рўй
берган воқеаларни принципи-
ал сиёсий баҳо бериш тақ-
лиф этилсин. Моқаро оқи-
батларини тугатиш. Ўз та-
хт-ҳаракатлари, одамларнинг
ахтисижларига нисбатан мон-
симан муносабатда бўлиш.
(Давоми учинчи бетда).

СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

28 сентябрь кўни М. С.
Горбачев раислигида СССР
Президентлик Кенгашининг
мажлиси бўлди. Унда са-
ноатнинг мудоффа тармоқла-
рини консервирлаш сама-
радорлигини ошириш чорала-
ри муҳомада қилинди. Мак-
лисида Иттифок ҳўкумати-
нинг аъзолари, бир қанча
илимий-ишлаб чиқариш бир-
лашмалари, заводлар ва
институтларнинг раҳбарлари,
бош конструкторлар, мута-
хассислар қатнашилди.

Мажлисида мудоффа са-
ноатини консервирлашнинг
1995 йилгача бўлган дав-
рга мўлжалланган давлат
дастурини кўриб чиқилди.
Ушбу дастур лойиҳасида
мудоффа саноати ва фани-
ни халқ ҳўжалиги учун мўл-
жалланган маҳсулотларнинг
аҳоли учун молларнинг энг
муҳим турларини яратиш
ва ишлаб чиқаришга қара-
тишининг асосий йўналишлар-
ни белгилаб берилган.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг қарори

Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятидаги воқеалар тўғрисида

СССР Олий Советининг
Миллатлар Совети СССР
Олий Совети Президиуми-
нинг топириғида бинаон Ўш
вилоятидаги вазиятни жой-
ининг ўнда ўрганиб чиққан
СССР халқ депутатлари гу-
руҳининг (ўрқот Г. К. Крюч-
ков) ахборотини тинглаб ва
муҳомада этиб қарор қилади:

1. СССР халқ депутатлари
гурўҳининг ахборотидаги асо-
сий хўлосалар ва тақлифлар
га қўшилмоқ керак.

Ўш вилоятидаги оммавий
тартибсизликларга, бебош-<

СССР Президентлик Кенгаши мажлиси

(Давомий. Боши биринчи бетда).

1991-1995 йилларда конверсияни ҳисобга олиб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни олдинти беш йилликдаги нисбатан деярли икки баравар кўпайтириб, 270 миллиард сўмликка етказиш кўзда тутилмоқда. Бўшаб қолган ишлаб чиқариш ва илмий-техника имкониятларидан аввало деҳқончилик-саноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари, енгил ва озиқ-овқат саноати, савдо ва умумий оватланиш учун технология устуқналари, тиббий ҳамда электрон-ҳисоблаш техникаси, алоқа воситалари, телевидение ва радиоэшитириш, фуқаро кемалари ва авиасозлик учун технология машина-устуқналари, экология мақсадлари учун устуқналар ва асбоблар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мақсадида фойдаланилади.

Дастур лойиҳасида конверсия қилинаётган корхоналар меҳнат жамоаларининг манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга катта эътибор берилган. Ҳарбий ишлаб чиқаришдан бўшатилаётган ходимларни қайта тайёрлаш, ишга жойлаштириш, уларнинг ижтимоий таъминоти чоралари мажмуи кўзда тутилмоқда.

Муҳокама чоғида дастурнинг бир қанча йўналишларига аниқлик киритиш, конверсия жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш, белгиланаётган тадбирлар самарадорлигини оширишга доир кўпгина таклифлар айтиildi.

Дастурни амалга ошириш давомида унга Қурултай Кўчалар ва қурул-ароғларини янада қамайтириш юзасидан олиб берилаётган музокаралар доирасида эришилган аҳдономалар билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар қароридан янги харид нархлари жорий этилиши муносабати билан қўшимча қаражатларни қоплаш учун зарур маблағни қидириб топишни кўзда тутилган таъминот учун қабул қилди.

лар киритиш зарур деб топилди. Конверсия чоғида муҳофаа тармоқлари жамоаларининг куч-гайратини фуқаро авиацияси, кема-созлик, космос ва алоқа соҳасидаги ишларни кучайтиришга ва бунда халқаро ҳамкорликдан кенг фойдаланишга қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар бир корхонада иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишни ва айрим минтақалар тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи аниқ-равшан конверсия тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлиги эътибор қаратилди.

СССР Президенти М. С. Горбачев СССР Министрлар Кенгашига бўлиб ўтган муҳокамаи ҳисобга олиб, давлат конверсия дастурини тўлдирish ва унга аниқлик киритиш ҳамда тасдиқлашни топширди.

(ТАСС).

сонли қароридан чорва моллар ва паррандага янги харид нархлари жорий этилиши муносабати билан қўшимча қаражатларни қоплаш учун зарур маблағни қидириб топишни кўзда тутилган таъминот учун қабул қилди.

Иттифокдош жумҳуриятларнинг Министрлар Кенгашига СССР Давлат нарх комитети ва СССР Молия министрлиги билан келишиб, 1990 йилнинг 1 октябридан чорва моллар ва паррандага янги харид нархларидан келиб чиқиб гўшт ва гўшт маҳсулотларига дотация ставкаларини (улгуржи нархларни) жорий этиш топширилди.

Мазкур фармойиш қабул қилиниши муносабати билан шу йилнинг тўртинчи чорағида қишлоқ хўжалиги янги нархларнинг жорий этилишидан оладиган қўшимча даромад 5 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этади. Бунда қолхозлар ва совхозлардан, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан, ижара-чилар ва деҳқон хўжаликларидан сотиб олинган бир тонна қора мол учун давлат тўловлари 31 фойз, қўнғари харид қилиш учун давлат тўловлари 23 фойз, қўйлар учун тўловлар 16 фойз ва парранда учун тўловлар 40 фойз ортади.

СССР Министрлар Кенгашида

СССР Министрлар Кенгаши қорамоллар, чўчалар, қўй-эчки ва паррандалар янги давлат харид нархларини мўддатидан олдин, шу йилнинг 1 октябридан жорий этиш тўғрисида фармойиш қабул қилди.

Бу харид нархлари СССР Министрлар Кенгашининг 1990 йил 9 августда қабул қилган 792-сонли қарорида тасдиқланган эди. Мазкур нархларга амалдаги табақалаштирилган устамалар ҳамда ўш биринчи беш йилликда эришилган ўртача даражада қўшимча равишда давлатга чорва моллар ва парранда сотиш учун устамалар киритилган. 1991 йилнинг 1 январидан саноат маҳсулотлари ва хизматларга янги улгуржи нархлар ва тарифлар, ижтимоий сугурта юзасидан оширилган ставкалар ва бошқа тўловлар белгиланганлиги муносабати билан нархнинг қимматлашиши ўрнини қоплаш кўзда тутилган.

1990 йилнинг январь-сентябрь ойларида давлатга сотилган чорва моллар ва парранда учун ўш биринчи беш йилликда эришилган ана шундай маҳсулот сотишнинг ўртача даражасидан ошганини учун устам тўққиз ойлик натижаларига

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ФАРҒОНА. 29 сентябрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Фарғона вилоят Советининг бүгун бўлиб ўтган сессиясида соғлиқни сақлаш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан маҳаллий Советлар ижроия

комитетларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг амалга оширилган ишлари муҳокама қилинди. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Советининг раиси, вилоят партия коми-

тетининг биринчи котиби Ғ. Ғофиров маъруза қилди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловчиларининг берган нақзаларини ба-жариш юзасидан тадбирлар тасдиқланди.

Бугун—Машинасозлар куни

ИСТИҚ БОЛГА ИШОНЧ

Сиз ўзингиз ишлаб чиқарган маҳсулотни жаҳоннинг турли бурчакларида ишлатишга тўғриватганга ҳеч ўйлаб қурганимиз?

— Э, ўйлашга вақт борми, — дейишга ишчилар. — Ахир маҳсулотимиз сифатли бўлганда кейин сотиб олишди-да.

Дарҳақиқат, Самарқанддаги «Электромаш» ишлаб чиқариш бирилмаси коллективни ўз сифатли маҳсулотлари — холодильниклар билан жаҳон бозорига дадил кириб боришганди. Тўғриси, бунга ҳам унча кўп бўлгани йўқ. Корхона бундан бир неча йил аввал фақат жумҳуриятдагина эмас, балки Иттифок бозорига ҳам харидор тополмай овор-у сарсон эди. Ҳар минг дона маҳсулотдан 250—300 таси сифатсизлиги учун заводга қайтариларди. Шу сабаб фойда деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Шароитнинг ёмонлигидан ишда қўнғисизлик, интентомизлик вужудга келган эди. Бунинг устига юқори ташкилот раҳбарлари сифатга эмас, миқдорга қараб иш тутишар, фақат режа бажарилишини талаб қилишарди.

Ишбилармон раҳбарлар биланлашга келишди-ю аҳолининг ўнлаш чора-тадбирларини излашди. Аввало, инсон омилига эътибор берилди. Ишчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Қўнғисизликка барҳам берилиб, интентом кучайти-

рилди. Энг муҳими, ишлаб чиқаришга хўжалик юришнинг янги усуллари жорий этилди. Бора-бора сифат ҳам яхшиланиб, маҳсулотнинг турлари кўпайди. Ишчилар ўз меҳнатларидан қўнғисиз ҳосил қилиб, истиқболга ишонч билан қарай бошладилар.

Бирлашма 1990 йилнинг 1 январидан ижара усулига ўтди. Тўғриси, бунгача иқтисодчилар, мутахассислар роса боти қотиришди. Иккинчилар тарозига солиниб, чамалаб қўрилди. Қулай йўл ижарада ишлаш эканлигини меҳнат жамоаси кенгашида қўнғисизлик таъминоти билан ҳам шартнома мажбуриятлари келишиб олинди. Пилдан ташқари ишлаб чиқилган маҳсулотнинг бир қисmini корхона ўз ҳоҳиши бўйича сотадиган бўлди. Хуллас, сени-аста бирлашма аҳли интентидий мустақиллигининг ойдин йўлига тушиб олди.

Қувончли шунданки, самарқандлик ишбилармонлар кейинги пайтда бор имкониятларини ишга солиб, чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилганга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, ўтган йилларда бирлашма Куба, Хитой, Афғонистон, Польша, Япония сингари мамлакатлар билан иқ-

тисодий алоқани йўлга қўйди. Бирлашма уларга энг қулай ва сифатли холодильниклар етказиб беришни ўз зиммасига олди. Чет эл фирмалари вакиллари ҳам ўз навабатида корхона ишлаб чиқариш жараёнини янгилашга қўмқолашди. Хорижий мутахассислар бирлашмага энг янги техника ва технологияни келтириб, ўрнатиб беришди. Ростки, корхона раҳбарлари тушган вало-лотиани енгил машина, видеомагнитофон ва бошқа халқ истеъмоли буюмларига сарф-ламасдан тўғри қилишди. Қайтагача замонавий линиялар сотиб олиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилди, маҳсулот сифати янада яхшиланди. Япониянинг «Н и ДИИ» фирмасига янги хушхадда «Снежинка» лар етказиб берилиб, аваз-а лардан холодильник эшик-ларини тайёрлайдиган линиялар харид қилинди. Умуман, корхонани қайта жиҳозлаш ишларига кейинги 5 йилларда 10 миллион сўмлик маблаг сарф қилинди.

Очинини айтганда, агар Иттифок миқёсидаги таъминотчилар панд беришма-ганда бирлашма кўпроқ маҳсулотларини хорижга сотган бўлар эди. Афсуски, моддий-техника таъминоти каваторлар, марказдан қорчма куч билан ишлайдиган насослар, лифтилар, кўприк-ли электр қранлар, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Машинасозлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда қаршмоли ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Январь-август ойларида машинасозлар аш-вий халқ истеъмоли мол-лари ишлаб чиқариш дав-лат бюрутмасини тўла ҳам-да бажарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 1989 йил январь-август ойлариданги нисбатан 38,6 фойз ёки 34,1 миллион сўмлик кўпайди. Бироқ машинасозлик кор-хоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳиссаси кўп эмас ва у Ўзбекистонда тай-ёрланаётган истеъмоли мол-лари умумий ҳажмининг

масаласи чатоқ бўлиб туриб-ди.

Бунинг устига баъзи кор-хоналар ҳам аш нархнинг ошириб юборишганди. Ачи-нарлиси, тармоқ министрли-ги фойданинг анча қисmini о-ляпти-ю, лекин корхона-лар ўртасидаги шарт-нома мажбуриятларининг ба-жарилишига эътибор берма-япти. Ахир, улардан бошқа ким ҳам «интентомиз» таъ-минотчиларнинг мушугини пишт дея оларди.

Хуллас, муаммолар тўғри-сида гапирса гап кўп. Масала-н, хорижга маҳсулот соти-ти масаласида ҳам анчайин чигалликлар, тўсқинлар мав-жуд. Корхона вакиллари биргина лицензия олиш учун Москвага, СССР Ташқи алоқалар министрлигига бўз-чининг моксидек қатнаш-га мажбур. Хорижга рух-сатнома олишнуки гапирма-са ҳам бўлади. Вакиллар ви-за олиш учун икки-уч ой вақт куттишганди. Унчага ҳамкорлик қиламан, деган фирманинг ўзи ҳеч бир ило-жи қийинчи билмасдан, бошқа мамлакат фирмал-ари билан алоқа қилиб кетяпти. Ҳайриятки, одил замонлар келиб, жумҳурия-тимиз Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузури-да ҳқм аш ва енгил саноат

атиғи 1,5 фойзини ташкил этади. Белгиланган топшири-ларга мувофиқ химия қу-рилмалари, енгил саноат учун устуқналар ва автома-лаштириш воситалари, те-хнология қурилмалари, шу-нингдек пахта териш маши-налари ишлаб чиқарилади.

Бироқ тармоқдаги мавжуд-да резервлар ишга со-линиган. Чунинки, саноат ишлаб чиқариш ҳажми январь-август ойларидан ўтган йил-нинг шу даридагига нисба-тан 2,3 фойз ёки 22,4 миллион сўмлик қамайиб кетди.

Маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбурият-лари тўла ҳамда бажарили-

маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси «Ўзгласнаб-соби»ни ташкил этиш тўғ-рисида», «Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа Давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги мувока-рларнинг қабул қилди. Фақат эндиликдагина бу борадаги ишлар осон кўча-диган бўлди.

Ўтган йили бирлашма пландан ташқари ишлаб чи-қарилган 60 минг дона хо-лодильникни хорижга экс-порт қилди. Бу йил анча кўпроқ маҳсулот сотиш кўзда тутилди. Олинган фойданинг катта қисми иш-чилар шароитини яхшилаш-га сарф қилиш мўлжаллан-япти.

Ўзидан бирлашма раҳ-барлари Ҳиндистоннинг «Ли-пензонитор» савдо фирма-си билан ҳамкорлик шарт-номаларини имзолашди. Унга қўра, ҳинд ўстларимиз самарқандликлардан минг-лаб холодильникларни хар-ид қилиб, бундан сотиб оладиган бўлишди. Корхона эса ўз навабатида фирмадан бўёқлаш линиясини харид қилади.

Хуллас бирлашма янги-ликка, истиқболга интилиб меҳнат қилипти. Халқимиз эса «Интиланга толе ёр» деб қўйди.

А. БОЛИЕВ,

«Совет Ўзбекистон» мух-бири.

ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАДАНИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҒАМХЎРЛИГИ

«Биз жамиятимизнинг, бутун Иттифокимиз турму-шининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ўзга-ришларнинг ҳал қилувчи босқичига етиб келдик, би-нобарин ана шу жараёни буздирилган барча ишларни зиёлиларсиз бартарф қи-лиш — урдалаб бўлмайдиган вазифадир». СССР Прези-дент М. С. Горбачев 29 сентябрь куни Кремлда со-вет маданияти арбоблари билан учрашув чоғида шу

ҳақда гапирди. Учрашувдан мақсад мамлакатнинг ҳозир-ги маънавият ва ижтимоий-сиёсий турмушида, уни яна-да ривожлантириш учун янги ҳаётбахш вазиятни ву-жудга келтиришда маданият-нинг роли тўғрисида батаф-сил фикрлашиб олиш эди.

Президентта учрашув қат-нашчиларининг муножаат-номаси топширилди. Улар орасида Ч. Т. Айтматов, Р. А. Биков, Р. Ҳ. Ғамза-тов, А. А. Гончаров, Н. Н.

Губенко, С. П. Залигин, М. А. Захаров, К. Ю. Лав-ров, Д. С. Лихачев, Ю. В. Никулин, Б. И. Олейник, В. Г. Распутин, Ю. М. Со-ломон, М. А. Ульянов, Д. Худоназаров, М. Ф. Шагров-лар бор.

Ҳужжатда совет мадания-ти ахтиёкларини, унинг арбоблари тўғрисида ғам-хўрлик қилишни бевосита Президент вазифалигига олиш илтимос қилинган, Мамлакат раҳбарлари юз

бергач вазиятни қатъиян ўз-гартирib юбарадиган ҳара-катларни амалга ошириш-лари зарур, чунки бутун Ватан маданиятини ривож-лантириш — давлатимиз ҳаё-тийлигининг қафолатидир. Сўнгги даврдаги амалий турмуш «фалсафаси» эса, дейилади муножаатномада, аслида маданият манфаат-ларига менсимай муносабат-да бўлишни, мустақил совет жумҳуриятлари кўп миллат-

ли Иттифокда одамларнинг ҳозирги ва келгуси ҳаётида маданиятнинг халоскорлик, шифокорлик ва бунёдкорлик вазифаларини ҳалокатли ра-вишда тушуниб етмаслигини намоён этишмоқда. Совет кишилари учун маданият шундай умид ва овуниш бўлмоқдаки, бунингсиз ҳаёт-нинг ўзи бўлиши мумкин эмас.

Учрашув ҳақидаги ҳисо-бот матбуотда эълон қили-нади.

(ТАСС).

Вилоят партия комитети биринчи котибларининг йўқламаси

(Давомий. Боши биринчи бетда).

қариш учун жуда яхши база яратиб берилган. Бозор иқтисодиётига ўтишда эса ана шунлар — тайёр маҳсулот ишлаб чиқарув-чилар шартлари қўйишлари, ўз ҳукмлари-ни ўтказишлари мумкин. Бунинг устига вилоятимиз ҳудудига жойлашган Иттифок ва Иттифок-жумҳурият қарамонидан кор-хоналар бизнинг бюджетимизга ўз фойда-ларининг атиғи 4—7 фойзинигина бермоқ-да. Таққослаш учун бир мисол келтирмам.

Ҳозир жаҳон миқёсида ижтимоий фаровон-лик намунаси бўлиб қолган Швеция мам-лакатига корхоналар олган фойданинг 40 фойзига, аҳоли даромадининг 50 фойзи-гача солиқлар тарзида маҳаллий бюджетга келиб тушади. Шундай экан, бизда ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ку-раш ҳар бир жамоанинг, ҳар бир партия ташкилотининг муҳим вазифаси бўлиб қо-лиши зарур. Энди юқоридан ёрдам кўтиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

ёндашувисиз истаганларнинг ҳаммаси ора-сидан танлов асосида ўқишга қабул қили-ниши, бинобарин, ҳар бир коммунист ва умуман, фуқаро олий сиёсий билим олиш имкониятига эга бўлиши керак.

КПСС XXVIII съезидан сўнг партия аппаратини сақлаб туриш учун партия бюджетига тушумларнинг янги манбалари тўғрисида ҳам жиддий фикрлаш лозим бўлиб қолди. Янгиша шартнома кўзда тути-лаётган тушумлар мавжуд аппаратни сақ-лаб туришга етмаслигини ҳисоб-китоблар кўрсатмоқда. Шунинг учун партия коми-тетлари ва партия ташкилотлари тижорат фаолияти билан шуғулланишни ўрганиш-лари ҳам зарур. Кичик корхоналар, ёрдам-чи хўжаликлар, хўжалик ҳисобидида мар-казлар тармоғини кенгайтириш ҳамда ке-лаётган даромадининг бир қисминдан партия ахтиёкларини учун фойдаланиш зарур бўла-ди. Ҳозир жаҳон миқёсида ана шундай қи-линалипти. Ана шу ишга кўл урилганда муҳим бир жиҳатини, яъни партиянинг ти-


эришиб, улар орқали ўз сиёсатларини амалга оширишдан иборат деб билимқо-лар. Бу — яхши. Аммо айни пайтда бу йўналишда рўй бераётган ўзбўларимонлик, бир соҳага ён босиб, иккинчи соҳа ишини камситиш ҳам рўй бераётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бир қатор шаҳар ва рай-он партия комитетларининг биринчи котиб-лари кўпгина Совет раиси сифатидан ўз хизмат вазифаларини партия органлари воситаси ва таъсири билан бажаришга интилаётганликлари ташвиш тудиряпти. Бу йўл тўғриси. Агар шу тарада иш олиб бо-рилаввердиган бўлса Советларнинг мутлақ ҳокимлигини таъминлашга қафолат бериш қийин.

Бу жараён Тошкент вилоятида бошқача-роқ кечмоқда. Область партия комитети ва жойлардаги партия ташкилотлари бюро ҳамда пленумларида хўжалик масалалари-ни, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва халқ хўжалиги планлари лойиҳалари ҳамда ба-жарилиш якулиларини кўриб чиқилган амалда өзс кечилди. Барча даражадаги партия аппарати қайта қурилганлиги пар-тия ва совет органлари ваколатларини ало-ҳида-алоҳида қилиб ажратиш ва чинакам ҳокимиятини Советларга топширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Партия комитетла-рида тармоқлар бўйича ишлайдиган бўлим-лар тугатилди.

Партиянинг сиёсий йўлини турли қат-ламлар бўйича сайланган коммунист депу-татлар орқали рўбба чиқариш чоралари кўрилмоқда. Биз ана шу вакилларимиз иш-тирокида Советларнинг доимий комиссия-ларида, шунингдек, регионал бўйича, яъни шаҳар ва районларда партия группаларини тузишни мўлжалламоқдамиз. Жумҳурият халқ депутатларидан иборат иккита партия группаси вужудга келтирилади. Улардан бири қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана-диган, иккинчиси эса вилоят шаҳарларида истикомат қилаётган коммунист депутат-ларни бирлаштиради. Мазкур партия группалари ижтимоий-иқтисодий ривожла-нишга доир масалаларда коммунист-депутатларнинг фикрини аниқлаш, умумий йўналишни белгилаб олиш ва ириворд-на-тижада партия йўлини амалга оширишлари мумкин бўлади.

Кейинги пайтда партиямиз обрўси ҳақи-да турли гаплар юрибди. Шунга айтиш мумкинки, ҳар қандай норозилик замири-да меҳнатчилар турмуши тўла-тўқис ва бут эмаслиги, талаб-ахтиёкларнинг қон-дирилмаётгани туради. Бинобарин, ички бозорни имкони борича тезроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа турдаги истеъмоли моллари билан тўлдирish шу куннинг сира кечитириб бўлмайдиган вазифасидир.

Вилоят партия-комитетининг барча ко-мунистларга, партия ташкилотлари олди-га қўётган талаби ҳам ана шунлардан иборат. Тўқиллик бўлгандагина ижтимоий вазият кескинлашмишга чек қўйиш мумкин. Шун-дагина кишилар партия фаолиятининг са-марасини ўз кўзлари билан кўриш имкони-га эга бўлади. Шундангина биз, комму-нистлар сиемасини амалийлигини, йўлини ва қўнғилиз тўғрилигини, халқпарварли-гимизни исботлаган бўламиз.



Ўзаро шартнома

асосида

Қишлоқ меҳнат аҳлининг ҳам ўзига яраша ахтиёклар-и бор. Етиштирилаётган маҳсу-турли ноз-неъматларни истеъ-молчиларга жўнатиш, қайта ишлаш ва асраш учун полиетилеи пленкалари, жам-ғарилган озуқани сақлаш учун қодирлар, чорвачилик комплексларида сув олиб бо-риш учун турли ҳажмдаги қувурлар ҳам аниққса тақ-сир бўлиб турибди. Бундай маҳсулотларни қандай қилиб тайёрлаш мумкин?

Янгиёлдаги «Труд» иш-лаб чиқарish кооператив меҳнатчилари масалани ижо-бий ҳал қилишга уринмоқ-далар. «Труд» фабрикаси-нинг тўла қувват билан иш-

ламайдиган ҳеҳи базасида корхона юзага келди. Юқо-рида тилга олинган маҳсу-лотлар шу ерда ишлаб чиқа-рилмоқда. Ғайрат-шижоат билан иш-лаш яхши самаралар беря-пти. Ўзига яраша фойда ҳам тушмоқда. Ишчи-хизматчи-лар олинаётган фойданинг кўп қисmini турар-мой, спорт майдонлари, болалар боччаси қурилишига сарфла-шаётр. Ўзаро шартнома асо-сида маҳсулот етказиб бе-риш ҳам йўлга қўйилган.

ЎзТАГ суракташ муҳбири Ф. ҚУРБОНОВЕВ олган бу лавҳада полиетилеи пленка-лар. «Труд» фабрикаси-нинг тўла қувват билан иш-

«Совет Ўзбекистон» материаллари изидан

«ТАРОЗИ БОСМАЙДИГАН Г А П»

Газетамизнинг 22 август сонидидаги шу сарлавҳа ости-да берилган рейд мате-риалда Тошкент шаҳри шифокорларидидаги камчи-ликлар билан бир қаторда мактаб ва болалар бочча-лари қурилиши белгилан-ган мўддатдан чўзилиб ке-таётгани очиб ташланган эди. Ушбу мақола юзаси-дан ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШ-РИЛИШ БЎИШ БОШҚАРА-СИДАН жавоб келди. Мақолада тўғри таъкидлан-ганидек, Тошкент шаҳар қури-лиш Бош бошқармаси томонидан мактаб ва болалар бочча-лари барпо этишда қоқоқлик-ка йўл қўйилган. Мўҳим қури-лишларнинг чўзилиб кетишига асосий сабаб — бююртмачи-ларнинг лойиҳа-смета ҳужжат-ларини ва қурилиш майдонча-ларини ўз вақтида тайёрлаб бермаганликларидадир.

Махсус қарорга мувофиқ бююртмачи келгуси йили қури-лиш лозим бўлган объектлар учун лойиҳа-смета ҳужжатла-рини жорий йилнинг биринчи июнига қадар етказиб бериш лозим. Аммо 1990 йилда ишга туширилиши лозим бўлган мак-табларнинг лойиҳа-смета ҳуж-жатлари шу йилнинг май ойи-дагина тақдим этилди.

Қурилишларнинг чўзилиб ке-тишига олиб келган сабабдан яна бири моддий ресурслар-нинг етишмаслигидир. Мак-таб ва болалар боччаларининг қурилишини белгиланган мўд-датларда якунлаш масаласи бош бошқарма томонидан на-зоратга олинган.

кўз ўнгида нима деган одам бўладилар?

Я К Ш А Н Б А С А Х И Ф А С И

• А ж а б д у н ё

Булутни ёрган аёл

- Бобур ғайритабиий ҳислатга эга бўлганми?
- Хонадонга кирган қор одам.
- Сўқир кўзга эи бағишлаган сирли қўл.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобуринома» асаридеда ёзишга қараганда, у ўз замонасида ғайри табиий билимлардан хабардор бўлганлигини аниқлаш мумкин. Заҳириддин сурункасига бир неча кун эзиб ётган ёмғирнинг тўхтатиш чораларини излаб, ёшлигида отаси Умаршайх хизматига бўлган шундай қобилиятли аёллардан бирининг билим ва маҳоратини эслайдим. Ҳикоя қилишча бу аён зарурат туғилганда ёмғир тўхтатиш билан шуғулланган, Бобур ана шу билимини кунлардан бир кун мулло Алихонга ўргатади. У тўрт парча қозғога эзиб, тўрт тарафга осадди. Ўша пайтнинг ўзида ёқ ёмғир тиниб ҳаво қарақлаб очилади. Зеро, бундай мўъжизали ҳодисалар, ғаройиб туш кўришлар, воқеаларни олдидан баҳорат этиш сингари ҳислатлар узоқ йиллар тан олнмай, йўққа чиқариб келинди...

Ўтган йили куз пайтида Гулистон ноҳиясидаги «Октябрь» колхозидеда Умаровлар хонадонидеда тунг саҳарда юз берган сирли воқеа маҳалла-қўйга тез тарқалди. Хонадон бекаси Мамлакатхон эрта тонгда чўчиб ўйғонди. Ҳовлидаги ит негидир инграб гиншир эди. Ташқарига чиқса, қор ёяпти. Унга қандайдир баҳайбат маҳлуқнинг оёқ излари кўринди. Бу излар одамникидан бир ярим-икки баравар катта ва беҳуш эди. Ит эан-жирин сирғалишга мосланган йўгон сим из теккан бир неча жойидан узлиб кетган. Уй бекаси

ҳайрон бўлди ва ичкарида ҳали ухлаётган оила аъзоларини ўйғотиб чиқди. Шу кун ҳаммалари ҳайрон бўлишди. Уйимизга қор одами ёки учар лиқонча келдики, деган ҳаёлга бо-ришди.

Орадан уч-тўрт кун ўтмай, оила бошлиғи Абдулазиз сафарга жўнаб кетди. Кечаси уйда аёл икки ўғли ва уч қизи билан

қолди. Улар тун бўйи ухлай олишмади. Нечундир она ва қизлари қизиб кетишди. Улар бошқа-бошқа хоналарда ўтириб тонг отиришди.

Эртасига Мамлакатнинг боши қаттиқ оғриди. Қизлари қўлига эса буюмлар ёпишиб қолверди, ҳатто уларнинг қўллари ҳам кўрмай қолди. Шундан кейин, улар аввал врачлар, кейин экстрасенслик жамияти кўригидан ўтишди. Илора мутасаддилари Мамлакат ва унинг қизларидеда биологик табиий қувват борлиги, улар ҳасталиклари билан даволаш мумкин, деган хулосаларни чиқаришди.

Мамлакат Умарова экстрасенслик мактабидеда ўқиб юрганида қизик ҳодиса юз берди. Экстрасенслар жа-

мийатининг президенти Тохир Салиев тингловчини имтиҳон қилмоқчи бўлгандай сўради:

Қўлингизни осмондаги ҳув анови булутларга қарава тўтиги, улар тарқалишини кўрамингиз.

Мамлакат иккала қўлини ҳаракатлантириб, мажнунгаётган нурларни булутларга йўналтирган эди осмондаги пага-пага оппоқ булутлар товуқ латидек тўзғиб, тарқалиб кетди.

Гулистонлик экстрасенс Мамлакат Умарова бу мактабни битириб, беморлар ҳасталигини аниқлаб, уларни даволай бошлади. Қўлини қизлари Феруза, Дилрабо, Нодира ёрдам бериб туришди.

Чимкентлик 60 ёшлик ну-

роний Р. Муқимов олти йилдан бери оёқ-қўли ишламай, машаққат чекар эди. У бир неча муолажалардан кейин қўлини табиий ташлаб, бобутиллик кекса онахоннинг ҳам икки қўли мажон-сиз эди. Тез тўзалди.

Гулистондаги «Коммуна» жамоа хўжалигидан Ётамов олти йил кўзи кўрмай юрган қўл даволашиб, наф олмаган. Гулистондаги болалар шифохонасидеда зотил-жам касали билан ётган бир ярим ёшлар Акмалнинг даво топиши қўлини бўлди. Унинг соғайиши муаммолариб бор-ларди. Шунда шифокор экстрасенс ёрдамига муҳтож бўлди. Мамлакат етти кун касалхонада қатнаб, ўша болани даволади. Мурғак норасида реанимациядан палатага чиқди ва соғайиб, уйига борди.

Мамлакатнинг давоси билан чимкентлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Рустам ота Ашуров қон айланиш доираси бузилиши даридан фориг бўлиб кетди. Бундай дарди ариган беморлар миннатдорчилик билдириб, ёзган қалин дафтларини тортинибгина кўрсатган гулистонлик Мамлакат Умарова шу кунларда ҳам даволаш ишлари билан банд. Унда ҳар ойда юзлаб бемор кишилар шифо топишмоқда. Сирдарё педагогика институтидеда қўлидаги фельдшер бўлиб хизмат қилаётган Мамлакат Умарова ишдан бўшаши билан ўзини мунтазир кутаятган беморлар ҳузурига ёрдамга шошилади.

— Мен уларга ўз шифоимни бермасам, ўп-қўни бетоб бўлиб, ўзини қўйга жой тополмай қоламан, — дейди у. Табиий биологик қувват соҳибасининг нияти ўзига ўхшаш хусусиятлар учун қизи билан биргаликда дардманд кишиларга нажот бахш этишдир.

А. ПУЛТОВ.

ХАТЛАРДАН

САТРАП

● КИЕВ. Наманганлик бир гуруҳ савҳатчилар Украина пойтахтида бўлдилар. Меҳмонлар Улуғ Ватан уруши давлат музейи, давлат кўрикхонаси, бошқа маданий ва диққатга сазовор жойлар билан таъиндилар.

Д. ЕРЕМЯН.

● ХУЖАБОБ. Мойарик шўроси ҳудудидеги «Оқсув» маҳалласидеда истиқомат қилувчи Назира бую Тошев ва 107 баҳорини қаршилади. У биринчи парани ташлаган аёллардан ҳисобланади. Аср ёшдаги онахоннинг уч ўғли, бир қиз, ҳамда озадан ортқ неваре-неваралари бор.

М. АБДУҚАДИРОВ.

● БОҒДОД. Ноҳиядаги «Намуна» жамоа хўжалигидеда 1976 йили ҳашар йўли билан чойхона кўрилиши ва кейинчалик қаровисиз қолиб кетган эди. Яқинда ноҳия халқ депутати Назирали Эрзаев бошчилигида чойхона қайта таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Чойхона қишлоқ аҳолининг севимли манзилгоҳига айланди.

Р. ОРТИҚОВ.

● ҚУШАБОТ. «Пахтакор» командасининг ўйинларидан мамнуқимиз, Севимли командасининг олий лигага яна қайтишга тарафқилиш қилиб турибмиз. Футболчиларимиз сафарда ва ўз майдонларидеда учрашуларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мажбурларини мустақамлаб олдилар. Тилғимиз: омад сенга ёр бўлсин, «Пахтакор!».

У. РУЗИЕВ.

● САМАРҚАНД. Каттакўргон ноҳиясидеги Пайшанба посёлкасидеда учта ҳаммом, ёзги ва қишки кинотеатр, янги бозор, қўшқаватли меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

М. АХМАТОВ.

• Муштарий арзи

ТўРАЛАР ДАСТИДАН...

63 ёшдаман. 1981 йилда Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги қошида қурилиш корхонаси ташкил этилди. Ўша пайтдан бошлаб шу корхонада кадрлар бўйича масъул ходим бўлиб ишлаб бошладим.

Кейинги пайтда ташкилотимиз директори В. Годун билан баъзи масалаларда муросамиз келишим қолди. Ишдан бўшагча мажбур бўлиб ариза ёздим. Лекин директор ўз вақтида мени вазирамдан озад этмади. Орадан икки ярим ой ўтган мен меҳнат отпускида бўлган чоғида қонунга хилоф равишда мени ишдан бўшатди. Директоримиз В. Годун ва ишончлигимизда бошқа раҳбар ўртоқларга арз қилдим. Ҳеч бири ёрдам бермади. Шундан кейин Тошкент об-ласт қасабалар уюшмасига бордим. Бўлим бошлиғи ўринбосари В. Курников қонуний ҳуқуқимни тиклашда ёрдам бериш ўрнига мени ишдан бўшатиш ҳақидаги

қалбаки буйруқни тўғри деб ҳисоблаб, иш жойимдаги қасабалар уюшмасига мурожаат қилишимни тавсия этди. Айтганини қилдим, бари бир бейбойда бўлди. Тошкент шаҳар Октябрь район прокуратурасига мурожаат этишга мажбур бўлдим. Прокурор ёрдамчиси М. Қосимбекова ишимни кўрмай, бир ойдан кейин ҳужжатларимни қайтариб берди.

Хуллас, сарсон-саргардон бўлиб қолдим. Не-не катта-катта идораларнинг эшитгани қосқадим дейсиз? Охири 1989 йил 19 октябрь кунини ўз лавозимидеда қайта тинландим. Афсуски, сарсон-саргардонликка солган тўраларнинг мушугини таъсир Бу ҳеч ким ишт дамаёт. Мажбуран ишдан қолган кунларим учун ҳали ҳам ҳақ тўлашгани йўқ.

Муборак ШУКУРОВА.
Тошкент шахри.

• Хотира

ЖАҲОНОТИН ХОНАДОНИДА

ХИХ асрнинг биринчи ярмида яшоб, ижод этган ўзбек шориси Жаҳонотин — Увайсий Марғилоннинг Чиндўхтарон маҳалласидеда таваллуд топан эди. У ҳаётининг сўнгги йилларини кеирган ҳолатда-жойи шу кунларгача сақланиб қолган.

Бу қўнча, табаррук ҳовлида ҳозир ҳам Жаҳонотиннинг аълолари яшашди. Шонига қарашиб баъзи буюмлар аълодан-аълога ўтиб, бизгача етиб келган. Марғилон адабиёт ва санъат музейида на-мойиш қилинётган бежирим, гўзал нақшлар билан безатилган, ёнгоқ ёсоқидан тайёрланган кўти Увайсийнинг эканлиги исботланган. Эҳтимол Жаҳонотин Бу кўтида ўз ашорлари, асдонларини сақла-гандир. Шонра ҳовлисидеги

қадимий беданатут ҳар йили мева беради. Жаҳонотиннинг аълолари бу мева билан ўт-қазиб, парварши қилгани ҳақида сўзлайдилар.

Яқинда Марғилон шаҳар Совети ижроия комитети шонра яшаган хонадонде уй-музейи очибга қарор қилди. Маърифатпарвар шонра Увайсийнинг хотирасини улуғлаш мақсидеда шаҳар жамоатчилигининг ташаббуси билан уй музейини бунёд этишга қарйра мақсидеда турар-жой иқтимоий ривожланиш банкида ҳисоб счёти очилди. Бу ҳисобга маблаг тушиши давом этмоқда.

А. ИБОДИНОВ.
«Совет Ўзбекистони» муҳби-ри.

• Одобнома

АРАСТУ ҲИКМАТЛАРИ

Айтишларича, Искандар Зулқарнайн кунлардан бир кун Арасту, Афлотун ва Букротга ҳикматли сўзларни ўз ичига олувчи бир «Панднома» ёзишни буюрди. «Мен уларни ўқиб, — деди Искандар, — саволимга жавоб топаи, бошимга тушган мушкул ишларимни ҳал қила олай!».

Эй Искандар, дининг илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан сўхбат қурма, умрининг беҳуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма, сийнанинги гина-қудуратдан ҳоли тут, бирова нисбатан гина саклама ёмонлик қилишдан қоч, ахшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳақлар билан сарафроз қил, тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон ахён-ахёнда зарар етказад, ёмон зарари ҳало-катли бўлади.

Эй Искандар, биров билан маслаҳатлашадиган бўлсанг, ақли ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш, олийҳикмат кишилардан ёрдам сўра, ҳар бир масалани шу масалани тушунадиган ва шу масалага дахил бор одамлар билан биргаликда ҳал қил, пастҳикмат кишилардан ҳеч вақт ахшилик ҳосил бўлмайди!

Эй Искандар, қўпол кишиларга қўполлиқни «ҳадея» қил, куч ва тадбир билан қўлга тушириб бўлмайдиган душман

ни мулоиймлик ва ширин сўз билан ўзингга мойил эт, бирор ерга эли кибормоқчи бўлсанг айтмоқчи бўлган масалани чуқур билладиган ва шу масала юзасидан билимга эга бўлган кишини юбор, акс ҳолда ишларинг бузилади.

Эй Искандар, мактовларга учма, қўли очик ва саховатли бўл, бирор ерга етсанг у ердаги синалмаган сувардан ичма, бирор ерда нотаниш мевага дуч келсанг, унинг фойда-зарарини билмай туриб ема!

Ҳар ким доно бўлса ейиш бобида,

Билмаган нарсасин емайди зинҳор.

Бирор йўлда зарар қўп бўлса агар,

Кучи қўп бўлса ҳам юрмайди зинҳор.

Синалмаган йўллар яқин бўлса ҳам,

Синалган узоқдан қолмайди зинҳор!

Эй Искандар, сафар ва саёҳатга чиққанда шунчалик юк олгинки, уни кўтариб юришдан ўзинг безор бўлмагин, бунинг

устига кучдан ҳам қолмагин. Шароб ичишни одам қилмаки, у беҳушлик ва гофилликка олиб боради. Ўзингга садоқатли ва вафодли кишиларни ҳа-миша азиз тут. Яқинлиқни олларидеда ўзингни маҳкам тут ва умидсизликке тушма. Кимки бировларга ситам қилверсе, ўзи ҳам узоқ яшамайди. Биров сенга ситам қилган бўлса ёки сен бировага яхшилик қилган бўлсанг ҳар икковини ҳам унут. Тунда уйкуга берилиб, гафлатда қолма, тун бедорлигини ўзингга давлат деб бил. Муродингга етган вақтларинг-да ханда уриб қулмаки, атрофда турганларга хунук қўринади. Агар иш аксинча бўлса рағминингнинг бировларга билдирма, бировдан қўрқадиган ва жангда енгилиб қочган кишилар билан ҳамроҳлик қилма.

Жангдан қочиб келган бўлса ҳар киши,

Ўзига ваҳима солишдир иши.

Зафар ёрим бўлсин десанг ҳар нафас,

Ботир кишиларга бўлсин ҳамнафас!

[М. ҲАСАНИНГ нашрга тайёрлаган «Одобнома» китобидан].

ОБ-ҲАВО...

Ҳафта мобайнида ҳавонинг қуруқ ва илиқ бўлиши кутулади. Кечалари 8-13, кундузлари 25-30, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм вилоятида кечалари 5-10, кундузлари 22-27 даража атрофида иссиқ бўлади. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечалари 9-15, кундузлари 27-30 даражага етади. Ҳафта охирига бориб, бироз салқин тушиши мумкин. Уртача ҳа-рорат эса маромида бўлади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш, тиббий тиклаш институти мутахассисларининг таъбирча, янги ҳафта мобайнида юз берувчи об-ҳаво шароити одамларга турлиқ таъсир ўтказад. Чунонки, қон томир, шомоллаш, бош оғриги, юракнинг уюниши каби касалликларга мойил кишиларга салбий таъсир қилиши мумкин. Шунингдек, ўпка-нафас йўллари ва бўғинлари оғрийдиган одамлар ҳам бироз нуқулга аҳолга тушади. Шунинг учун қон бошинини ўлчатиб туриш, даволамчи шифокор тавсияси-га мувофиқ ҳаракат қилиш зарур. Илм ва нафақа қабул қилиш ижобий таъсир кўрсатади. Зарур қолларда оғриқ қопдирчи ва тинчлантирувчи дори-дармонлардан фойдаланил-са, ҳаммаси ўтиб кетади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

• Оқибатли бўлини, одамлар

ҚУТАУҒ КЕЛИН

...Ушанда Рауф ўйнаб-чопқилаб юрган беш ёшли бола эди. Онаси Моҳира ҳола қариндошлариникига тўйга борадиган бўлиб қолди. Ўзига эргашган ўғилчасини очиб, дала ўр-тасидан йўлга тушди. Бирдан қарандандир дайди ит пайдо бўлиб, ириллади. «Кет йўқо!».

Моҳира ҳола алленечук ахволда итга ҳай-ҳайлади. Рауф чалқаччаси йикилди.

Қишлоқ жойлар эмасми, бола йикилса, бирор нарсача урилса, дарров шўр пахта боси-шади, табибларга югуришади. Дастлаб Рауф-ни ана шундай туркано дорилар, малҳамлар билан даволашди. У ҳам оёқлари ўқтин-ўқтин оғриганде парво қилмай юрaverди, Лекин, дард улғайиб, ани мактабга борадиган ёшга етганде йикилди.

Мен Рауфнинг улғайиб, бола-чақали бўлиб кетган собиқ синфдошларини билан кўп марта сўхбатлашганман. Ушанда шу қишлоқ болалари ногирон дўстини очиб, мактабга олиб боришарди. Булжак рессом синф арзандаси эди. Раҳматли ўқитувчиси Сафар ака Тошўлатов Рауфларникига бориб, ундан хабар олиб турадиган ўқувчилар рўйхатини тузадиган. Жони «темир»дан экан, чидади. Ойлаб, йиллаб шифтга қараб ётса-да, ҳаёт, мақсад қўлидан маҳкам ушлади. Москвадаги СССР халқлари санъати сирти дорилфунуниин ил-миёли диплом билан битирди. У ерда унинг кўргазмалари ташкил этилди.

СССР 60 йиллиги арафасидеда шахсий кўргаз-масига тайёргарлик кўраётган Рауф Аҳмедов жумҳуриятда машхур бўлиб қолган эди. Ҳар кунини ўйлаб мактублар оларди. Одамларнинг дедасидан, илиқ сўзидан кучига-қучи қўш-ларди. Ушанда Рауфга қойил қолганман: тақ-дир зарбасига учраган шу йигит қисқа му-датда қот суратлар тайёрлади, ёнбошлар бўлса-да, ўзи ойна кесди, рамка ясади. Ай-тилган муддатда кўргазмасини очди.

Сирдарё вилояти маданият бошқармасининг бошлиғи Акбар Мирзаамедов, шу бошқарма ходими Шомил Биналмевларнинг ташаббус-лари билан Гулистонда Рауф Аҳмедов кўргаз-малари ташкил этилди. Эҳтимол, ушанда рас-сонинг булжак умр йўлдоши Муножотнинг юрагига ҳат тушгандир! Тўғри, баъзи қизлар Рауфга хўт ёзишарди, ҳаётини сизинг ҳа-ётингиз билан боғлайман, дейишарди. Лекин, ҳеч ким гулистонлик оддий қишлоқ қизин Муножотчилик жасоратга қўл урмади. Рауфга фақат Муножот кераклигини, ёнида туриб

қўллаб-қувватлайдиган, илҳом бағишлайдиган меҳрибон инсон зарурлигини сезди у.

Чинозликлар Рауф билан Муножотнинг ни-ҳоз тўйини ҳали-ҳали эслайдилар. Ушанда Моҳира ҳолага сўз беришди. Бутун умр қо-лохда ишлаган, қўлига бирор марта ҳам микрофон олмаган онахон шовиб қолди. Қувонч ёшлари ажин юзларидеда думаларди.

— Раҳмат, дунёда яхши одамлар бор бўл-син. Рауфжонимни қўллаб, шу даражага етказ-ганларга қуллук қиламан. Муножотхон қизим, ўғлим билан қўша қарингиз, уварли-жуварли бўлинглар...

Бу йил Рауфнинг «Муштум»да ўз ҳажв расм-лари билан қатнашадиганига ўн йил бўлди. Кўчага камдан-кам чиқадиган рессомнинг теша тегмаган мавзуларини топа олиш қобилиятига қойил қолсангиз, У расмларидеда ҳаётимиздаги иллатларни фоз этди. Рауф ана шу иллатлар-га қарши курашди. Одамларни ҳушёрликка чақирди. Баъзан мавзуларини Муножотнинг ўзи топиб беради. Расмларга энг биринчи бахони ҳам ўзи қўяди.

Муножотхон Рауф билан санаторийга дам олишга борганда, у ерда янгибозорлик му-ҳаббат Мирзаевани учратди. Муҳаббатнинг жасорати Рауфнинг жасоратидан ҳам эмас. Касаллик тўғайли оёқлари жонсиз бўлиб қол-ган бу кўркем, билимдон қиз мустақил ра-вишда Москвадаги дорилфунуниин сирдан битирди, рус, инглиз тилларини ўрганди.

— Муножотхон, сизга минг раҳмат, — деди Муҳаббат, — сиздек бир меҳрибон Рауфга керак эди. Уни авайланг, суянчиқ бўлинг...

Назаридеда Рауфнинг расмлари янзада ти-никлашиб, қандайдир жозибдор бўлётган-дек туюлади. Бу тиниқлик, бу жозибани унинг вафодор умр йўлдоши Муножотхон бахш этганлигини сезаман.

Яқинда Рауф хонадонидеда қиз туғилди. Унга Дилрабо деб исм беришди. Рессом номазо-ди Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти-га тавсия этилди.

Демак, Муножотхоннинг қадами қутлуг келди. Рауф ҳали кўп муқофотлар олди. Мартабаларга эришди. Негаки, ёнида дала берадиган, қўлларига куч, қўлларига нур бағишлайдиган илҳом фаришаси—Муножотхон бор.

Эсон ҚОСИМОВ.

Суратда: Рауф Аҳмедов умр йўлдоши Муножотхон, қизин Дилрабо ҳамда Муножот-хоннинг буваки Назира аялар.

Спорт

КУРАШ:
СОВРИНДОРЛАР
Жумҳуриятимизда шарқона бешлашуларга қизикшиш ор-

тиб бормоқда. Ёшлар қарат, уш ва таъкивондо каби спорт турлари бўйича маҳорат оши-риб, иттифод ва халқаро майдонларда аjoyиб ютуқ-ларга эришмоқдалар. Яқин-да Твер шахрида ўтказил-

ган Бутуниттифок турнирида ҳам ўзбекистонлик полковлар аjoyиб ғалабага эришдилар. Саккиз полковдан олти нафар гойиблик супасига қўта-рилиб, олтин медаллар билан қайтди.

1885 йилдан бери Англия-нинг Гастингс шахрида «рожа-дество» халқаро шахмат тур-нири мунғизан равишда ўт-казиб келинади. У мазкур йил-нинг окхирида бошланиб, янги йилнинг бошларида тугайди. Кейинчалик фестивал даража-сига кўтарилган мусобақалар-ни ҳам турнирида асосан жаҳон чемпионолари, экс-чем-пионлари ва машхур гресс-мейстерлар қатнашди. Чунон-ки, уларнинг дастлабсидеда буюк рус шахматчиси Михаил